

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХУКМ

2023 йил ноябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Сайдуллаев, судья ёрдамчиси Р.Йўлдошевнинг котиблигига, Навбаҳор туман прокурорининг ўринbosари А.Қамбаров, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Х.Кулбаевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 100-моддаси билан судланувчи [REDACTED] нисбатан бўлган 1-2106-2302/74-сонли жиноят ишини қўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] 29.05.1983 йилда Навоий вилояти, Кармана туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оиласи, З нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган,

[REDACTED] ишлаган, Кармана тумани, Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати [REDACTED] яшаган, жиноят иши бўйича 23.07.2023 йилда ушланиб, 24.07.2023 йилдан “қамоқقا олиш” тарзиаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айлов холосаси нусхасини 23.10.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 100-моддаси билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охирги сўзини эшишиб, қуйидагиларни

АНИКЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED] 24.11.2005  
йилда фуқаро [REDACTED] қонуний никоҳдан  
ўтиб, Кармана тумани, [REDACTED]  
[REDACTED]-йда яшаб келиб, 22.07.2023 йил соат 18<sup>30</sup> ларда ўрталарида юзага келган ўзаро оиласи келишмовчилик замирида жанжаллашиб қолиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] маст ҳолатда унинг



юз ва танасининг бошқа соҳаларига уриб тан жароҳати етказиб, қўлидаги ошхона пичоғи билан унга ўлдириш билан таҳдид қилган вақтда [REDACTED] ушбу ижтимоий хавфли тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги ва ўзини ҳимоя қилиш, ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида [REDACTED] фаол қаршилик кўрсатиб, иккала қўли билан унинг чап қўлини ушлаб, чап қўл тирсак соҳасидан тишлаб, қўлидаги пичоқни олган бўлгандан сўнг ҳам [REDACTED] қўллари билан муштлаб уни яна уришда давом этиб, пичоқни қайтариб олмоқчи бўлганида, З [REDACTED] зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] қасдан ўлдириш мақсадида ошхона пичоғи билан бир маротаба унинг ҳаёти учун муҳим бўлган тана аъзоси, яъни бўйин соҳаси чап томон ўмров усти соҳасига уриб, кўкрак қафаси бўшлиғига кирувчи юқори ковак венани жароҳатлаган кесма-санчма яра каби РСТЭИАМ Навоий филиали Кармана туман СТЭБнинг 09.08.2023 йилдаги 48-сонли эксперт хулосасига кўра, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан-жароҳати етказган.

Натижада [REDACTED] олган оғир тан-жароҳати оқибатида воқеа жойида вафот этган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2004 йилда [REDACTED] билан танишиб, 30.09.2005 йилда тўйлари бўлганлигини ва 24.11.2005 йилда қонуний никоҳдан ўтганликларини, турмуш ўртоғи Фанис билан ўрталарида З нафар фарзандлари бўлганлигини, у [REDACTED] билан турмуш қурганидан сўнг Фанис 2006 йилдан бошлаб кўп ичадиган ва ичиб келгандан кейин уйда у билан сабабсиз жанжал чиқариб, уруш-жанжал қиладиган одат чиқарганини, оиласарида жуда ҳам кўп маротаба оиласиб жанжал бўлиб келганини, турмуш ўртоғи Фанис 2017 йилдан буён спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги сабабли қайнонасининг аризасига асосан вилоят наркология диспансерида даволаниб чиққанини, у спиртли ичимлик ичган вақтда доим уйларида сабабсиз жанжал бўлиб келганлигини, ўғли Фаррух ва қизи Гўзал ҳам отасининг спиртли ичимлик ичиб жанжал қилишидан зерикиб қайнонаси ва онаси билан бирга яшай бошлаганини, у турмуш ўртоғи Фанисни яхши қўрганлиги ва фарзандларини ўйлаб, хукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаганини, 21.07.2023 йил кеч соат 19:00 ларда Кармана туманида жойлашган “Шоҳсарой” номли тўйхонада тўнғич укаси Самадов Умид Ҳакимжон ўғлининг никоҳ тўйи бўлиб ўтганини, у турмуш ўртоғи Фанис ва фарзандлари билан бирга ушбу тўй маросимида қатнашганини, шу куни турмуш ўртоғи Фанис тўйда спиртли ичимликларни ичганини, лекин жуда ҳам маст ҳолда бўлмаганини, туй кеч соат 23:30 ларга қадар давом этиб, туй маросими тугагач улар қариндошлари билан битта столда ўтириб,



овқатланганлары, спиртли ичимликларни истеъмол қилғанлары, у тўйларда, туғилган кунларда қариндошлари билан бир-икки пиёла спиртли ичимликларни истеъмол қилиб туришини, тўй маросими тугаганидан сўнг турмуш ўртоғи Фанис ва фарзандлари билан бирга ота-онасининг Кармана тумани, “Дўрман” МФЙдаги яаш хонадонига бориб, тўйхонадан олиб келинган маҳсулотларни жойлаштиришга ёрдам берганини, турмуш ўртоғим Фанис эса яаш хонадонига кетишлари учун такси чақирганини ва улар тўйдан қайтган нарсалардан шириналк, нон, мева, салатларни олганини, отаси Ҳаким эса 2 та 1,5 литр ҳажмли баклажкаларга солинган ароқларни биттасини турмуш ўртоғи Фанисга ва яна биттасини унинг ўзига берганини, улар соат 01:30 ларда кичик қизи Самирани олиб, таксида яаш хонадонларига қайтганликларини, у отасиникдан олиб келган нарсаларни жойлаштиргунига қадар турмуш ўртоғи Фанис яаш хонадони меҳмонхонасида ухлаб қолганини, кейин у қизи Самира билан даладаги супага гилам ташлаб устида ухлаганини, 21.07.2023 йил эрталаб соат 07:30 ларда уйғонганида турмуш ўртоғи Фанис ҳам уйғониб, ташқарига чиққанини, у кофе ичиш учун чой қўйганлигини, улар ошхонада турмуш ўртоғи Фанис билан бироз гаплашиб ўтирганликларини, шунда турмуш ўртоғи Фанис унга “кечаги баклажкадаги ароқни олиб бер” деганини, у эса Фанисга “бўлди бошқа ичманг” деганида Фанис “бошим оғрияпти, бошимни очиб олай” деганини, кейин у музлатгичда турган 2 та баклажкадаги ароқни биттасини турмуш ўртоғи Фанисга олиб берганини, Фанис турган жойида ароқни пиёлага солиб ичганини, шу вақтда унга синглиси Ўғилой қўнғироқ қилиб, “опа келинг, қудалар келади ҳозир, “жой солиш” маросимини ўтказамиз” деганини, шу вақтда турмуш ўртоғи Фанис ўз-ўзидан унга бақириб, уни ҳақоратлаб “жонга тегди, бормайсан” деганини, у эса Фанисга бормаса бўлмаслигини, катта қиз эканлигини, чимилдиқни у қоққанлигини, ирими учун у “жой солиши” кераклигини айтганини, шунда турмуш ўртоғи Фанис унга бақира-бақира “ювиниб чиқ, машина айтганман, келиб олиб бориб қўяди” деганини, у чиққунча турмуш ўртоғи Фанис 1,5 литрли баклажкадаги ароқни ярмигача ичиб, анча маст бўлиб қолганини, соат 08:00 ларда “Юбилейная” БУШ, 6-кўчада яшовчи “Фаррух” исмли бола “Нексия” русумли автомашинасида автомашинасини магнитофонини ўхшаттириш учун келганини, улар ташқаридан бироз гаплашишиб туришганликларини, сўнг турмуш ўртоғи Фанис уйга кириб магнитофонни мева кесадиган қизил-оқ дастали пичноқ билан очиб ўхшатмоқчи бўлганини, лекин ўхшата олмагач Фаррухга инструментлари “Дўрмон”да эканини, ўша ерга бориб ўхшатишини айтганини, у, қизи Самира ва турмуш ўртоғи Фанис билан ушбу автомашинага миниб, отасининг “Дўрмон” маҳалласидаги яаш хонадонига келганини, турмуш ўртоғи Фанис автомашина эгаси



Фаррухга кечга уйга боришини, ўша ерда магнитофонини ўхшатиб беришини айтиб, уни жўнатиб юборганини, у отаси билан тўйдан қолган нонларни ва бутун ароқларни топшириш учун дугонасининг дўконига бориб қайтганида турмуш ўртоғи Фанис кўчадан пиво ичиб келаётганини кўрганини, Фанис унга “Аслон поччамларникида бўламан, керак бўлсам ўша ердан топиб оласан” деб кетганини, у отасининг уйидаги маросимларни ўтказганидан кейин соат 12:30 ларда Аслон поччасининг хотини Наташа аммаси онасига қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Фаниснинг мазаси қочганини, олиб кетишларини айтганини, у отаси билан уларнига борганида тез ёрдам келганини, улар турмуш ўртоғи Фанисни қўриб, унга қўп ичмаслигини, укол қила олмасликларини, қўпроқ суюқлик ичиб ётишини, спиртли ичимликни қўп ичганлиги сабабли юраги тез ураётганлигини айтишганини, у турмуш ўртоғи Фанисга “кетдик” деганида, Фанис уни ҳақоратлаб, “отангни олиб йўқол бу ердан” деганини, у отаси билан отасининг яаш хонадонига қайтиб келганини, соат 13:30 ларда Аслон поччасининг ўғли Руслан ўзининг “Кобальт” русумли автомашинасида турмуш ўртоғи Фанисни отасининг яаш хонадонига олиб келганини, ўша вақтда Фанис жуда маст ҳолда бўлганини, у Русланга уларни яаш хонадонларига олиб бориб ташлашини илтимос қилганини ва тўйдан қолган қолган мева ва салатларни ҳамда бир банкада шўрва олиб турмуш ўртоғи Фанис ва кичик қизи Самира билан биргалиқда Русланнинг машинасида яаш хонадонларига келганликларини, яаш хонадонларига келганларидан сўнг у олиб келган нарсаларни жойлаштираётган вақтида турмуш ўртоғи Фанис ҳожатхонага бораман деб ерни ичига думалаб кетганини, унга ёрдам бермоқчи бўлганида Фанис унга “яқинлашма” деганини, орадан бироз вақт ўтиб, турмуш ўртоғи Фанис ҳожатхонадан қайтиб келганида шимини ечмасдан ҳожатини чиқарганини кўрганини, у турмуш ўртоғи Фанисни яаш хонадони меҳмонхонасиға олиб кириб, пайпоқларини ечиб ётқизганини, Фанис устидаги қўйлаги ва майкаларини ечаман деб йиртиб ташлаганини, шимини ечмоқчи бўлганида эса қўймаганини, уни ётқизганидан кейин ҳаво иссиқ бўлганлиги сабабли вентиляторни қўшиб, унга қаратиб қўйганини, турмуш ўртоғи Фанис ухлаб соат 17:00 ларда уйғониб ҳовлига чиқиб, унга “нима қиляпсан” деганини, у Фанисга мураббо билан икра қилаётганлигини айтганини, Фанис нос чекиб, дабдираб ҳожатхонага кетганини, кетаётиб Фанис унга “кечаги ароқ билан чой тахла, қорним оч қолди” деганини, у меҳмонхонадаги хонтахта устига онаси镍идан олиб келган шўрвани иситиб олиб бориб қўйганини, хонтахтага яна икки хил салат, патир ва нонларни ҳам қўйганлигини, турмуш ўртоғи Фанис ҳожатхонадан қайтиб келиб, овқатланиб яна бир ўзи ароқ ичганини, шу вақтда у турмуш ўртоғи Фанисга “бошқа ичманг, бирга ишловчи дугонам Гулнора янги уйга кўчиб ўтибди, уй



кўрдига борамиз” деганини, Фанис эса унга “ичиб ҳам боравераман” деганида у “қўшниларидан уяламан, маст бўлсангиз бормаймиз” деб хонадан чиқмоқчи бўлганида турмуш ўртоғи Фанис унга “олдимда ўтири, кейин ишингни қиласан” деганини, у бироз ўтирганида турмуш ўртоғи Фанис телефонига колонка улаб, қўшиқ эшитиб, унга “отанг паст, менга тўйдан қолган ароқларни бериб юборди” деганини, у эса Фанисга “нима фарқи бор, барибир ароқку” деганида Фанис у, отаси ва қариндошларини ҳақорат қилиб, унга “сен тўйда ўйнадинг, харомисан, жалабсан, ўйнашинг бор” деганини, у Фанисга “жалаблик қилиб нима қилдим, онамларникига маракаларга бирга борсак, ишга болалар билан борсам, қандай қилиб жалаблик қиласан” деганини, шунда турмуш ўртоғи Фанис унга “сен итдан тарқагансан, ота-онанг ҳароми, итдан тарқаган” деганини, сўнг унинг ҳам жаҳли чиқиб, Фанисга “сени ўзинг кимсан, ўзингни келиб чиқишинг қандай” деганини, шу вақтда турмуш ўртоғи Фаниснинг жаҳли чиқиб, ёнбошлаган ҳолатда қўли билан қўзига бир маротаба мушт туширганини, у ўрнидан туриб ташқарига чиқмоқчи бўлганида турмуш ўртоғи Фанис бирдан ўрнидан туриб, унинг сочидан ушлаб олиб юзларига, бошига ва ичига қўл ва оёқлари билан муштлаб уриб, тепа бошлаганини, у эса Фанисга қаршилик қилиб, уни қўйиб юбориши учун Фаниснинг юзларини, баданларини тирнаб, танасининг тўғри келган жойидан тишлаганини, Фаниснинг баттар жаҳли чиқиб, унинг сочини қўйиб юбориб, хонадан чиқиб “ҳозир сени болта билан чопаман” деб ошхонага чиқиб, пардани орқа томонида турган болтани олиб келганини, бу ҳолатларга гувоҳ бўлиб турган 4 ёшли қизи Самира бақириб йифлагандан кейин турмуш ўртоғи Фанис жаҳлдан тушиб, қўлидаги болтани гиламга қўйганини, у эса чопиб бориб, болтани олиб супага отиб юборганини, кейин қизи Самирани олиб, уйдан далага чиққанини, уйга қайтиб кириб, яшаш хонадони меҳмонхонасига телефон аппаратини олиш учун кирганида турмуш ўртоғи Фанис яшаш хонадони ошхонасида бўлганлигини, у меҳмонхонага кириб, қўл телефон аппаратидан укаси Самадов Умидга қўнғироқ қилиб, унга уни олиб кетишини, эри уни уриб ташланлигини айтганини, Фанис унинг укаси Умид билан телефон орқали бўлган суҳбатини эшитганлиги сабабли баттар жаҳли чиқиб, “сен укангни чақирдингми, келса биринчи сени, кейин укангни сўйман” деб ошхонада бўлган оқ-кўк дастали пичноқни олиб келиб, унга бирдан ўлдириш мақсадида ташланганини, у Фанисга қаршилик қилиб, дастлаб унинг қўлидан ушлаб итариб юборганини, бироқ турмуш ўртоғи Фаниснинг бундан баттар жаҳли чиқиб, янада важоҳат билан қўлидаги ошхона пичноғи билан унга яна ташланганини, у жон ҳолатда иккала қўли билан Фаниснинг чап қўлига ёпишганини, бироқ кучи етмаганлигини, Фанис эса пичноқни унга тиқиб олишга ҳаракат қила бошлаганини, кейин у яна иккала қўли билан Фаниснинг чап қўлинини ушлаб, чап қўл тирсак соҳасидан бир неча маротаба тишлаб,



унинг қўлидаги ошхона пичоғини ўнг қўли билан тортиб олганини, бироқ турмуш ўртоғи Фанис унинг қўлидаги пичоқни олиб қўйганлигидан баттар жаҳли чиқиб, жазавага тушиб, бир қўли билан унинг сочидан тортиб, иккинчи қўли билан эса муштлаб унинг бош, юз ва танасининг бошқа қисмларига уриб, қўлидаги пичоқни тортиб олишга ҳамда пичоқ билан унга тан-жароҳати етказиб, ўлдиришга ҳаракат қила бошлаганини, шунда у жон ҳолатда турмуш ўртоғи Фанисга қаршилик қила бошлаганини, бироқ кучи етмаганлиги сабабли Фанис уни қўлидан пичоқни олиб ёки уни уриб ўлдириб қўймаслиги ҳамда бундан бошқа қутилиш чораси қолмаганлиги сабабли турмуш ўртоғи Фанисни қасддан ўлдириш мақсадида ўнг қўлидаги ошхона пичоғи билан бир маротаба унинг чап томон бўйин соҳасига урганини, агар у уни ўлдирмаса, Фанис уни ўлдириб қўйиши мумкинлигидан қўрққанини, шу вақтда турмуш ўртоғи Фаниснинг бўйин қисмидан қон оқа бошлаганини, Фанис уни урушдан тўхтагач у турмуш ўртоғи Фанисга ёрдам бермоқчи бўлганида Фанис унга “яқинлашма” деб, уни олдига яқинлаштирмаганини, у ўзининг 93-089-05-29 рақамили қўл телефонидан “103” қисқа рақамига бир неча маротаба қўнғироқ қилганини, бироқ ушбу рақам банд бўлганлигини, сўнг у қўл телефонида сақланган профилактика инспектори Шохрухнинг 99-414-51-75 рақамили хизмат рақамига қўнғироқ қилиб, унга тез тиббий ёрдамни чақиришини, Фанисни ўлдириб қўйганини, шунга мажбур бўлганини, бўлмаса Фанис уни уриб, ўлдириб қўйиши мумкинлигини айтганини, орадан кўп вақт ўтмасдан яаш хонадонига профилактика инспектори Шахзод, кейин Шохрух ва бироз вақт ўтиб укаси Умид келганини, профилактика инспекторлари уни меҳмонхонадан чиқариб юборишганини, у ташқарида қизи Самира билан ўтирганини, сўнг кун қоронғу бўлганлиги, аҳволи ёмон бўлганлиги, қўзлари шишиб кетганлиги учун кимлар келганлигини англай олмаганини, қилган ишидан пушаймонда эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили Ганиева Хадича Канифовна, марҳум [REDACTED] унинг катта ўғли бўлишини, ўғли [REDACTED] билан 2005 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришганликларини, уларнинг биргаликдаги турмушларидан З нафар фарзандлари борлигини, невараларидан Султанов Фаррух у билан, Султанова Гўзал эса Кармана тумани, “Қаҳрамон” МФЙда бувиси билан бирга яшаганини, ўғли Фанис ва келини Зулхумор билан фақат уларнинг кичик қизи Султанова Самира бирга яшаб келганини, ўғли Фанис спиртли ичимликларни тез-тез истеъмол қилганини, 2017-2022 йилларда вилоят наркология диспансерида даволанишга юборилганини, ўғли Фанис билан келини Зулхуморнинг ўртасида доимий равишда жанжал бўлганини, лекин орадан яна бир-икки кун ўтиб, улар яна ярашиб олишишларини, шу



сабабли у уларнинг оиласига аралашмаганини, у 2023 йил 28 июнь куни Россия Федерациясига қариндошлариникига меҳмонга кетганини, шу куни эрталаб у марҳум ўғли Фанис билан охирги маротаба кўришиб, у билан хайрлашганини, 2023 йил 22 июль куни кечқурун унга ўғли Илдиз қўнғироқ қилиб, келини Зулхумор ўғли Фанисни пичоқлаб ўлдирганлигини айтганини, шундан сўнг у Россия Федерациясидан қайтиб келганини, ўғли Фанис спиртли ичимликларни истеъмол қилса, келини Зулхумор билан ўзаро оғзаки жанжал қилишини, лекин бир-бирларини урганликларини кўрмаганини, ҳозирда унинг неваралари отаси қолганлигини, шу сабабли [REDACTED] енгиллик бериб, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланишига имкон беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Самадов Умиджон Ҳакимжон ўғли, [REDACTED] унинг катта опаси бўлишини, опаси Зулхумор 2005 йилда [REDACTED] билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришганликларини, поччаси Фанис спиртли ичимлик ичиб келиб, опаси Зулхумор билан жанжал қилиб, фарзандларини ҳам безитиб юборганини, поччаси Фанис усточилик яъни турар-жойларни таъмирлаш фаолияти билан шуғулланганини, шу сабабли бир ишга кетса, ойлаб кетиб, яшаш хонадонига келмаганини, опаси Зулхумор эса Кармана туманидаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактабида фаррош бўлиб ишлаганини, поччаси Фанис доимий равишда маст ҳолатда юриб, спиртли ичимликка ружу қўйганлиги сабабли, 2017-2022 йилларда вилоят наркология диспансерида даволанишга юборилганини, поччаси Фанис опаси билан турмуш қурганларидан буён Фанис доимий равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, жанжал чиқариб, опаси Зулхуморни уриб, сўкиб, ҳақорат қилиб келганини, улар опаси Зулхуморга бир неча маротаба поччаси Фанис билан ажралишини айтганларида, опаси Зулхумор ажралмаслигини, болалари етим қолмаслигини, болалари учун чида яшашини айтганини, бир сафар поччаси ўзини онасини туғилган кунига борганида у ерда ҳам маст бўлиб опасини урганлигини, шунда поччасининг онаси орага тушиб опасини ёнини олганида поччаси ўзини онасини ҳам бакал билан уриб қошини ёрганини, 2023 йил 21 июль куни Кармана туманидаги “Шоҳсарой” тўйхонасида унинг никоҳ тўйи бўлганини, шу куни соат 01<sup>30</sup> ларда поччаси Фанис опаси Зулхумор ва қизи Самирани яшаш хонадонига олиб кетганини, 2023 йил 22 июль эрталаб тахминан соат 09<sup>00</sup> ларда куни поччаси Фанис опаси Зулхумор билан унинг уйига “чимилдиқ” маросимига келишганликларини, шу вақтда ҳам поччаси Фанис жуда маст ҳолда бўлганини, опаси Зулхумор унга поччаси эрталаб соат 06<sup>00</sup> дан бери тўйдан қолган ароқларни ичганини, маст бўлиб “ўзи бораман” деб жанжал қилганлиги сабабли у билан бирга келганлигини айтганини, шундан сўнг у ҳам маросимлар билан овора бўлиб,



опасининг қачон кетганлигини кўрмаганини, шу куни яъни 2023 йил 22 июль тахминан соат 18<sup>30</sup> лар атрофида унга опаси Зулхумор 93-089-05-29 рақамидан қўнғироқ қилиб, “укажон, тез кел, язнанг мени уриб ўлдириб қўяди” деганлиги сабабли ўзининг “Ласетти” русумли автомашинасида опаси Зулхуморнинг уйига борганида хонадон эшиги очиқ ҳолатда ҳовлида опаси Зулхумор, жияни Самира ва 2 нафар профилактика инспекторлари бўлганлигини кўрганини, ўша вақт опаси Зулхумор уни кўриб, унга “поччанг мени уриб ташлади, ўлдирмоқчи бўлди” деганини, ўша вақтда опаси Зулхуморнинг кўзлари шишган, кўкарган, юзларида тан-жароҳат аломатлари бўлганни, шу орада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва тез тиббий ёрдам бригадаси келганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Пармона ва Зухра Тухтаевна, Хожиев Хакимжон Самадович ва Хожиева Уғилой Хакимжоновналар ўзининг кўрсатмаларида гувоҳ У.Самадовнинг кўрсатмасини тасдиқлаб бир хилда кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Тухтаева Розия Иргашевна, у 2005 йилдан бошлаб Кармана тумани, “Дўстлик” МФЙ, Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати, Олчазор қўчаси, 517-йда оила аъзолари билан биргаликда яшаб келишини, у марҳум [REDACTED]

[REDACTED] ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED]

[REDACTED] и 2008-2009 йиллардан буён яхши танишлигини, сабаби улар айнан шу йилларда унинг яшаш хонадони рўпарасидан ержой олиб, иморатларини эр-хотин биргаликда қўтарганликларини, марҳум Фанис тахминан 2012 йилда Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати, [REDACTED] онаси Ганиева Хадичанинг номига расмийлаштирганлигини, сабаби ўша вақтларда хам марҳум Фанис спиртли ичимликларни қўп истеъмол қилганини, шу сабабли ушбу уйини сотиб юбормаслиги учун онаси уйни ўзининг номига расмийлаштирганини, марҳум Фанис ва Зулхуморнинг 3 нафар фарзандлари бўлганни, марҳум Фаниснинг қизи Султанова Гўзал Кармана тумани, “Қаҳрамон” МФЙда бувиси билан, ўғли Султанов Фарруҳ эса Кармана тумани, “Кумушкон” МФЙда бувиси билан бирга яшаганлигини, марҳум Фанис ва унинг турмуш ўртоғи Зулхумор билан фақат уларнинг кичик қизи Султанова Самира бирга яшаб келганлигини, спиртли ичимлик ичиб келиб, турмуш ўртоғи Зулхумор билан жанжал қилиб, фарзандларини ҳам безитиб юборганини, марҳум Фанис усточилик яъни туарар-жойларни таъмирлаш фаолияти билан шуғулланганини, марҳум Фанис спиртли ичимликларни ичган вақтида яшаш хонадонида доимий равишда жанжал қилиб, турмуш ўртоғи Зулхуморга азоб берганини, лекин Зулхумор бу ҳақида ҳеч кимга шикоят қилмаганини, бироқ у Фанис яшаш хонадонида жанжал қилаётганлиги ҳақида ширкат раисига қўнғироқ қилиб айтганини, ширкат раиси эса профилактика инспектори билан келганида



Зулхумор ариза ёзишдан ва даъво қилишдан бош тортиб, Фанисни олиб кетишиларига қаршилик қилганини, шу сабабли Фанисга нисбатан чора кўриб бўлмаганини, Зулхумор турмуш ўртоғи Фанис унинг ягона боқувчи эканлигини, ўзларининг муаммоларини ўzlари ҳал қилишларини айтиб, ариза ёзишдан ва шикоят қилишдан бош тортганини, Фанис спиртли ичимликларни истеъмол қилган вақтида ўзининг хатти-ҳаракатларига жавоб беролмай турмуш ўртоғи Зулхумор билан ўзаро жанжал қилиб, Зулхуморга азоб бериб, уни урганини билишини, 8 йиллар олдин Фанис яшаш хонадонига спиртли ичимликларни ичиб, Зулхумор билан жанжал қилаётган вақтида у уларнинг яшаш хонадонига кирганида, Фанис турмуш ўртоғи Зулхуморнинг қўлини қайириб, иссиқ сувга тиқиб, азоб берганлигини, кейин у уларни ўзи ажратиб, Зулхуморнинг қўлига маз суртганини, Зулхумор Фанисга ўрталаридағи фарзандлари учун чидаб, у билан яшаб келганини, Фанис спиртли ичимликларни ичмаган вақтида бирорга озори тегмайдиган одамга айланишини, у 22.07.2023 йил соат 13<sup>00</sup> ларда Навбаҳор туманида яшовчи опаси Арзиева Марзиянинг яшаш хонадонига уни кўриш учун кетганини, турмуш ўртоғи Исмоилов Муҳиддин эса шу куни кун бўйи ёлланма меҳнатга чиқиб кетганини, яшаш хонадонида эса кечки соат 22<sup>00</sup> ларгача хеч ким бўлмаганини, у яшаш хонадонига келганида уйи олдида ИИБ ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари борлигини қўрганини, шу вақтда у Зулхумор турмуш ўртоғи Фанисни ўлдириб қўйганлигини эшитганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Хамдамов Шоҳруҳ Насрулло ўғли, у 2021 йил октябрь ойидан буён ИИОларида ва шу вақтдан бошлаб Кармана тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ профилактика инспектори вазифасида хизмат қилиб келаётганини, марҳум Султанов Фанис Фларисович ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED]

[REDACTED] 2022 йилнинг август буён танишини, 2022 йилнинг август ойида тунги навбатчилиги вақтида [REDACTED] тунги вақт яъни 23:00 дан кейин яшаш хонадонида мусиқа овозини баландлатиб қўйиб, қўшниларининг тинчини бузганлиги сабабли унга нисбатан МЖтКнинг 192-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирганини, бундан ташқари у “Дўстлик” маҳалласига бириктирилган профилактика инспектори Сапарбоев Шахзод билан биргаликда Султанов Фанис спиртли ичимликка ружу қўйганлиги сабабли турмуш ўртоғи Султанова Зулхуморнинг аризасига асосан уни вилоят наркология диспансерига даволаниши учун ҳужжатларни расмийлаштириб, юборганликларини, шу вақтда у Султанова Зулхуморга ўзининг 99-414-51-75 рақамили хизмат рақамини бериб, агар турмуш ўртоғи Фанис наркология диспансеридан келганидан сўнг ҳам яна спиртли ичимликларни истеъмол қилишни бошласа ёки жанжал қилса қўнфироқ қилишини айтганини, марҳум Фанис 2023



йилнинг бошларида наркология диспансеридан чиқиб, бошқа вилоятларга ишлаш учун кетганини, 22.07.2023 йилда у профилактика инспектори Шахзод билан Кармана туман ИИБ 1-сонли ИИБ биносида хизмат хонасида ўтирган вақтида соат 18<sup>50</sup> ларда унинг қўл телефонига Султанова Зулхумор қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Фанисни пичоқлаб қўйганини, Фанис уни уриб ташлаганини, ўзини ҳимоя қилиш учун шундай қилганлиги, Фанисни бўйини тагидан пичоқлаганлиги, тез тиббий ёрдам чақириш кераклигини айтганини, профилактика инспектори Шахзод ўша вақтда у билан ёнма-ён ўтирганлиги сабабли уларнинг ушбу сухбатларини эшитганини, профилактика инспектори Шахзод тезда фуқаро [REDACTED]

[REDACTED] яшаш хонадонига бориш учун хизмат хонадан чиқиб кетганини, у эса ўша вақтда ёнига фуқаро келиши кераклиги сабабли хизмат хонасида қолганини ва орадан тахминан 5 дақиқалар ўтиб, ўзининг шахсий автомашинасида тўғри Султанова Зулхуморнинг Кармана тумани, Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати, Олчазор кўчаси, 458-уйига борганини, йўл-йўлакай “103” хизматига қўнғироқ қилиб келганини, [REDACTED] яшаш хонадонига келганида хонадонга кириш эшиги очиқ ҳолда, хонадон супасида Зулхуморнинг қизи Самира ўтирганини қўрганини, у хонадон меҳмонхонасига кирганида меҳмонхонада Зулхумор ва профилактика инспектори Шахзод бўлганини, марҳум Фанис эса меҳмонхонанинг деразаси олдида ерда қонга беланган, танасининг рангли қўкариб кетган ҳолда ётганини қўрганини, шунда Зулхумор уни қўриб, турмуш ўртоғи Фанисни ўзини ҳимоя қилиш мақсадида пичоқ билан бўйнидан урганлигини айтганини, сўнг у Фаниснинг олдига келиб, унинг қўл ва бўйнидаги томиридан ушлаб қўрганини ва Фанис вафот этганини билганини, у профилактика инспектори Шахзод билан Зулхуморни меҳмонхонадан ҳовли супасига олиб чиққанини, шу орада Султанова Зулхуморнинг укаси эканлиги айтиб, “Умид” исмли шахс келганини, у Умидга опасини тинчлантиришини, жияни Самира қўрқиб қолганлиги учун уни ўзининг автомашинасига ўтқизишини айтганлигини, шу орада туман прокуратураси раҳбарлигидаги тергов-тезкор гуруҳи келганлигини ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Сапарбоев Шахзод Комилжон ўғли ўзининг кўрсатмасида гувоҳ Ш.Хамдамовнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб бир хилда кўрсатув берди.

Суд, судланувчи [REDACTED] айби унинг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари дастлабки терговда берган ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Т.Амоновнинг кўрсатмаси билан, 22.07.2023 йилдаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадваллари билан (иш в. 1-жилд 7-40), 23.07.2023 йилдаги мурдани



кўздан кечириш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 1-жилд 51-69), РСТЭИАМ Навоий филиали Кармана туман СТЭБнинг марҳум [REDACTED] ўлимига бўйин соҳаси чап томони, чап ўмров усти соҳасидаги кўкрак қафаси бўшлиғига кирувчи юқори ковак венани жароҳатлаган кесма-санчма яранинг асорати бўлган кўп миқдорда ички қон кетиш сабаб бўлганлиги юзасидан 09.08.2023 йилдаги 48-сонли эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 74-77), РСТЭИАМ Навоий филиали Кармана туман СТЭБнинг З.Султановага бош мия чайқалиши, иккала кўзлари атроф соҳаларидаги қонталаш ва шиш, бел соҳасида қонталаш, танасининг кўплаб соҳалари юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби соғлигини қисқа, яъни 6 кундан кўпроқ 21 кундан камроқ муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил танжароҳатлари етказганлиги юзасидан 30.08.2023 йилдаги 745-сонли эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 82-83), РСТЭИАМ Навоий филиалининг [REDACTED] олинган қон намунаси таркибида этил спирти аниқланмаганлиги юзасидан 31.07.2023 йилдаги 248/94-сонли билан эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 92-93), РСТЭИАМ Навоий филиалининг марҳум Ф.Султановнинг эгнида бўлган шим ва трусиқада, [REDACTED] тегишли кўйлакда, воқеа жойидан олинган эркаклар кўйлагида, кўк ва оқ дастали ошхона пичноғида, доирасимон гиламчада, лентали резинада ҳамда қонга ўхшаш доғлардан уч салфеткаларда олинган намуналарда мавжуд қон доғлари марҳум Ф.Султановга тегишли эканлиги юзасидан 07.08.2023 йилдаги 43-сонли эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 163-172), РСТЭИАМ Навоий филиалининг марҳум [REDACTED] мурдасида суд-тиббий экспертизаси пайтида аниқланган бўйича соҳаси чап томони чап ўмров устки соҳасидаги санчма-кесма яраси эксперт текшируви учун тақдим қилинган даста қисми кўк ва оқ рангли пластмассадан ишланган пичноқ тиғидан етказилганлигини юзасидан 30.08.2023 йилдаги 08-01/140-40-сонли эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 181-194). Кармана туман ИИБ ЭКГнинг Кармана тумани, Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати, Олчазор қўчаси, 458-уйни кўздан кечириш давомида олинган бармоқ излари [REDACTED]

[REDACTED] томонидан қолдирилганлиги юзасидан 25.07.2023 йилдаги 30-сонли эксперт хulosаси билан (иш в. 1-жилд 154-156), 23.07.2023 йилдаги олиб қўйиш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 1-жилд 96-97), 24.07.2023 йилдаги нарса-буюмларни кўздан кечириш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 1-жилд 137-150), 01.08.2023 йилдаги кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 1-жилд 222-228), 10002-ҳарбий қисмнинг 07.09.2023 йилдаги хати ва илова ҳужжати билан (иш в. 2-жилд 37-38), 07.09.2023 йилдаги тақдим қилинган дискни олиш, кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси билан (иш в. 2-жилд 46-47), 07.09.2023



йилдаги телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 2-жилд 48-57), 09.09.2023 йилдаги нарсанни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва илова фото-жадваллари билан (иш в. 2-жилд 104-110), айланувчи [REDACTED] сўзлашувларни эшишиб кўриш баённомаси билан таништириш ва ёзиб олинган сўзлашувларни эшиштириш баённомаси билан (иш в. 2-жилд 111-112), Навоий давлат Педагогика институти умумий педагогика ва психология кафедраси эксперт комиссиясининг айланувчи [REDACTED] юқорида кўрсатилган жиноятни содир қилаётган вақтида кучли физиологик аффект ҳолатида бўлмаганлиги юзасидан 18.10.2023 йилдаги мутахассислик тўхтами билан (иш в. 2-жилд 117-127) ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 100-моддаси билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра айбига тўлиқ иқорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида: давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларидан келиб чиқиб, у томонидан содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига тўлиқ иқорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёл киши эканини, муқаддам судланмаганлигини, уч нафар вояга етмаган фарзандларининг ёлғиз бокувчиси эканини,



жабрланувчининг қонуний вакили Х.Ганиеванинг даъвоси йўқлиги ва енгил жазо тайинлашни сўраб берган аризасини инобатга олиб, у айбли деб топилаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашликни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг 23.07.2023 йилда қамоқда бўлган кунларини тайинланган жазодан чегиришни, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унга нисбатан спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, муайян худудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим топади.

Суд, [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоқقا олиш” тарзидағи эҳтиёт чорасини бекор қилишиликни ва уни суд залидан озод қилишни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний қучга киргандан сўнг жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган Навоий вилояти прокуратурасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона болта, бир жуфт қора рангли эркаклар оёқ кийими, бир дона дастаси кўк-оқ рангли ошхона пичоги, бир дона гиламча, бир дона резина, бир дона эркаклар кўйлаги, бир жуфт пайпок, бир дона сигарет қутиси, бир дона олов ёндиригич, икки дона 1,5 литр ҳажмли елим баклашка, бир дона дастаси оқ рангли ошхона пичоги, бир дона аёллар кўйлаги, [REDACTED] эгнидан олинган жинси шим, эркаклар ички кийими, уч та конвертга солинган қонга ўхшаш доғлардан олинган суртмалар, бир дона конвертга солинган доғ кўринишидаги қўл-бармоқ изларига ўхшаш изларни тегишли тартибда йўқ қилишни, бир дона “HUAWEI” русумли уяли телефон аппаратини З.Султановага қайтаришни, ёзма далил сифатида эътироф этилган ҳужжатларни ҳамда уч дона СД дискларни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211,454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473,476-моддаларига амал қилиб, суд

#### ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 100-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан соат 21<sup>00</sup> дан эрталаб соат 06<sup>00</sup> га қадар Кармана тумани, Юбилейний боғдорчилик узумчилик ширкати, Олчазор кўчаси, 458-йда жойлашган яшаш хонадонидан чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансан.

Судланувчи З.Султановага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 23.07.2023 йилдан қамоқда ўтирган кунлари



тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 (бир) йил 7 (етти) ой 26 (йигирма олти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] қуйидаги, яъни:

-спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,

-Навоий вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 48<sup>1</sup>-моддаси талаби яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи [REDACTED] хатти-ҳаракати устидан назорат Кармана туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Озодликни чеклаш жазоси муддати хукм ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансан.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дархол суд залидан қамоқдан озод қилинсан.

Хукм қонуний қучга киргандан сўнг жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган Навоий вилояти прокуратурасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона болта, бир жуфт қора рангли эркаклар оёқ кийими, бир дона дастаси кўк-оқ рангли ошхона пичофи, бир дона гиламча, бир дона резина, бир дона эркаклар кўйлаги, бир жуфт пайпоқ, бир дона сигарет қутиси, бир дона олов ёндиригич, икки дона 1,5 литр ҳажмли елим баклашка, бир дона дастаси оқ рангли ошхона пичофи, бир дона аёллар кўйлаги, [REDACTED] эгнидан олинган жинси шим, эркаклар ички кийими, уч та конвертга солинган қонга ўхшаш доғлардан олинган суртмалар, бир дона конвертга солинган доғ кўринишидаги қўл-бармоқ изларига ўхшаш излар тегишли тартибда йўқ қилинсан;

-бир дона “HUAWEI” русумли уяли телефон аппарати З.Султановага қайтарилсин;

-ёзма далил сифатида эътироф этилган ҳужжатлар ҳамда уч дона СД дисклар ушбу жиноят иши билан бирга сақлансан.

Хукмдан норози томон йигирма сутка муддат ичидан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили эса унга хукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья

А.Сайдуллаев

